


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680–16.02.2018.
ISSN № 2181–9017

М У Н Д А Р И Ж А

БЕРУНИЙ ЎҚИШЛАРИ

Сўзбоши 3

1. **Аҳмедов А.** Беруний асарларини варақлаб 5
2. **Атаходжаев А.** Абу Райҳон Беруний-нинг қадимги зардуштий тақвимларини тиклашдаги ўрни 12
3. **Ahmad A.** Abu Rayhan al-Biruni as an Indologist: Views and Reviews 22
4. **Машарипова Г.** Абу Райҳон Беруний илмий меросида ижтимоий муносабатлар 28
5. **Хандамова М.** Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари 36
6. **Маҳмудов О.** Беруний асарларининг Европадаги дастлабки таржималари ҳақида 42
6. **Абдуллаев Б.** Ислом уламоларининг математика ва астрономия соҳасидаги фаолиятлари 50
7. **Абдуллажанова Н.** Абу Райҳон Беруний илмий меросининг тарихшунослигига доир 57
8. **Ёқубов Ф.** Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва илмий фаолияти интеллектуал миграция контекстида 69

10. **Куранбаева У**. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида 75
11. **Равшанова М.** Проблема формирования личности в философии Абу Райхана Беруни и Кимура Бин..... 85

ЮБИЛЯРИМИЗ

1. **Жуманазар А.** Залвар (устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади) 92

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баходиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ЮБИЛЯРИМИЗ

А. Жуманазар

ЗАЛВАР
(устоз Ашраф Аҳмедовнинг 80 ёшли юбилейига бағишланади)

Тафаккур қўшниси

Баъзан бирор мавжудотни кўрмасдан, унинг борлигини ҳис қиламиз. Айниқса, ўй-фикрларимизни чексиз борлиқ, коинот банд этганда. Залвар ҳам шундай мавжудликдир. Энг замонавий бирор ускуна уни моддий сифатда мавжудлигини ҳозиргача илғай олмаган. Аммо ҳатто, ҳудудсиз борлиқдаги саноғи йўқ улкан галактикалар ҳам ундан "чўчиб" ҳаракат қилаётганга ўхшайди. Балки математика, фалакиёт ва физика олимлари "гравитация" деганда уни назарда тутар. Ушбу мақолада уни "залвар" деб атадик. Борлиқ, ундаги ҳар бир унсурнинг ўзига ярашиқ залвари бор. Гравитация ҳодисасини ҳам улар ҳосил қилади. Барча ҳаракат ва қувват тизгини залварнинг измидадир.

Борлиқ ва залвар воқеасига яна чуқурроқ кириб бориш имконимиз бор. Бироқ биз табиатнинг ушбу ҳодисаси орқали ҳаётнинг бошқа тарафи – кишилик жамиятига назар солишга уриниб кўрамиз. Маданий-маърифий мерос, улар билан чамбарчас боғланган тарих, бирор қавмнинг тафаккур жараёни – барча ижтимоий ҳодисалар вақт ипига мунчоқдай тизилиб туради. Илм ва узоқ давом этган машаққатли меҳнатлар жараёнида уларга доир маълумотлар тўпланиб бораверади. Шууримизда улардан яхлит манзара ҳосил бўлганда, ўша залвар жамиятда ҳам борлиги, у ўйлаганимиздан кўра ҳам яқинимизда тургани аниқроқ маълум бўлади. Ҳатто, кўриш мумкин бўлган даражада яқинроқ. У тафаккурнинг азалий қўшнисидир, уни ҳамиша сергакликка даъват қилади.

Эски дунё саҳифалари ва олим

Кўп минг йиллик шонли ўтмишга эга кўҳна Турон маданиятининг тарихий ворислари ўзбек миллатининг ҳам коинот ҳаракатига кучли таъсир кўрсатиб турган сирли олам каби буюк залвари бор. Тадқиқотчи Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган ўн минглаб қўлёзма, тошбосма китоблар ва ҳужжатларга дуч келганда у яққол намоён бўла бошлайди. Аммо уни осонгина тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳодиса амалда содир бўлиши учун эски дунё саҳифаларини бугунги тил ва тушунчаларга ўтказа оладиган академик Убайдулла Каримов, Павел Булгаков, Ибодулла Муродов, Абдулла Носиров, Асомиддин Ўринбоев, Шорасул Зуннунов, Ҳамидулла Ҳикматуллаев каби моҳир ва иқтидорли мутахассислар жамоаси хизмати керак бўлади. Ҳикоямиз қаҳрамони тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов ҳам бугунги кунда ўз ишининг устаси, ўта шижоатли ва заҳматкаш, толиқиш нималигини билмайдиган илм аҳли дарғаларидан биридир. Домла Туркистон фанлари тарихи тадқиқотчиси, ўрта асрлар олимлари асарлари таржимони, шарқшунослик ва тарих, физика-математика фанларининг етук мутахассиси, республикамиз ҳамда хорижда кўплам илмий ишлари билан танилган даврмизнинг забардаст олимидир.

Деворда осиғлик суҳбат

Ашраф Аҳмедов 1939 йилнинг 29 ноябрида Тошкентда ишчи оиласида дунёга келган. Отаси Аҳмаджон ака меҳнат қилиб топган ҳалол ризқ билан оиласини тебратарди. У оддий ишчи бўлишига қарамай, илмли кишининг фарзанди эди ва оила давраси, маҳалла аҳли тадбирларида тез-тез бўлиб турадиган қиссахонлик кечаларида араб ёзувидаги “Абу Муслим”, “Минг бир кеча” каби туркийдаги кўплаб машҳур асарларни сеҳрли оҳангларда ўқиб берарди. Ашраф Аҳмедов шундай муҳитда вояга етгани бугунги суҳбатларида ҳам баъзан ярқ этиб сезилиб қолади. Қадимги дунё ҳақида гап бошлангудай бўлса, бу тўғрида айтиладиган сўзларнинг барчаси кўп вақтлардан бери фурсат кутиб шу одамда йиғилиб тургандай туюла бошлайди. Аслида ҳам шундай бўлса керак... Бутун вужуди воқеани ифода қилишга киришиб кетади. Ҳатто юзлар ҳам ҳаракатга тушади, кўзларда бирдан ўт чақнайди, гавда такбир айтаётган дарвеш танасидек чайқалади. Улар таъсирида атрофдагиларда барча ҳаракатлар тўхтайди. Ўртага жимлик чўкади. Бирдан олдинги асрларнинг бирида Василий Перов деворга осиғлиқ қолдириб кетган “Овчилар суҳбати”га жон киргандай бўлади. Бу ҳолат кўп марта такрорланган. Баъзан илмий мавзулар, тадқиқотлар ё бирор масала юзасидан бўлаётган муҳокамаларда ҳам бу ҳодиса содир бўлади.

Толе ёғдулари

Ашраф Аҳмедов ўрта мактабни аъло баҳолар билан якунлайди ва Тошкент Давлат Университетининг (ҳозирги ЎзМУ) математика факултетига ўқишга киради. 1963 йили уни муваффақият билан битиради. Университетда ўқиб юрган кезлари шу илм даргоҳининг Шарқшунослик факултети қошида ташкил этилган икки йиллик араб тили курсида ҳам таълим олади. Форс ва турк тилини мустақил ўрганади.

Домла олий ўқув юртини тамомлаган пайтлари ҳарбий хизматга чақирилади. 1963–1965 йиллари аскарлик ҳаётида яшайди. Толе порлаши учун макон ё замон танламайди. У шу пайтгача ўрганган назарий билимлари амалиёт билан мустаҳкамланиши учун Тангри унга ўша жойда ҳам имкон яратади. У ерда Жазоир, Сурия ва Ямандан келиб, аэродром ишлари ва учувчилик касбини ўрганаётган араб йигитлари билан доимий мулоқатда бўлади. Улардан турли араб лаҳжаларини мукаммал ўрганади. Келажакда амалга оширилиши лозим бўлган буюк тарихий ишларга яқинлаштирувчи йўл шу тариқа давом этаётганди. Бу айни пайтда "залвар" йўли ҳам эди.

Ашраф ака ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, 1965–1968 йиллари Тошкент Давлат университети аспиранти бўлди ва илмий фаолиятини давом эттирди. Аспирантурани тугатиб, Тошкент Давлат университетида аввал ассистент, кейинчалик катта ўқитувчи вазифасида ишлади. 1970 йили математика фанидан рус тилида "Геометрический трактат "Ашкал ат-таъсис ас-Самарканди и его роль в истории обоснования геометрии" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

1986 йили "Научное наследие ал-Хорезми и его место и роль в истории науки и культуры" мавзусида тарих фанидан докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди. Толе ёғдулари тадқиқотчи ҳаётига ёғила бошлаганини аллақачон синчков устоз олимларнинг тийран нигоҳлари ҳам сезганди.

Шахсий зиналар

Чунки бу зинадан бошқалар юрмайди. Ундан фақат бир киши қурби етганича кўтарилади. У инсонни ўзига олиб боради. Одам ундан кўтарилгани сари ўзига яқинлашади. Тадқиқотчи ҳам қидираётган инсонни топиш учун улардан юради. Уларнинг айримларида шон-шараф, баъзиларида фожиалар бор.

Ривоят қилишларича, бир куни шайх Шамс Табризий Румга борди ва шаҳар кўчаларидан бирида мавлона Жалолиддин Румий билан учрашиб қолди. Шунда мавлона шайхдан: "Муҳаммад ва Мансур мақомида қандай фарқ бор"? – деб сўради. Табризий: "Муҳаммад ҳар зинадан кўтирлганда

маърифати ортди ва Тангрига шукр қилди. Мансур маърифатнинг биринчи зинасидаёқ ўзини унутди ва сирни ошкор этди. Унга бало йўлиқди. Тасбеҳ ҳалқалари илкидан ситилиб, нажот лангарини йўқотиб, “Мен Ҳақман!” дея фарёд қилди”, – деб жавоб берди. Ровийлар бу учрашувни турли тарзда ҳикоя қилишади аммо мазмуни узоқлашмайди.

Бу суҳбат улар ўртасида кейин тугамади, бир умр давом этди. Энди домла Ашраф Аҳмедов ҳаётига назар соламиз.

У 1973–1988 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида дастлаб катта ва сўнгра етакчи илмий ходим вазифасида фаолият олиб борди.

1988–1995 йиллари шу илм даргоҳи бўлимларидан бирига мудир бўлди.

1995–2002 йиллари етакчи илмий ходим ва айни пайтда Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институти директори вазифасини ҳам бажарди.

2002–2014 йиллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Темурийлар давлат музейида етакчи илмий ходим, шу музейда грант раҳбари бўлди.

2014–2017 йиллари Тошкент давлат Шарқшунослик институти хузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг етакчи илмий ходими лавозимида ишлади.

2017 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Бу бир олим инсоннинг зоҳирий умр зиналаридир. Назардан пинҳон ботиний олами уларнинг ортида турибди. Бу зиналар йўқловчини Ашраф Аҳмедов ҳузурига олиб боради.

Машаққатлар даласи

Деҳқон даласини шудгор қилади, дон-сабзавот етиштиради. Олим даласи илм майдонидир. Ашраф Аҳмедов бу ҳудудда 55 йил тинимсиз меҳнат қилди, салмоқли ҳосил олди. Шу вақт мобайнида 270 дан ортиқ илмий мақола, ўнлаб рисола ва монографиялари чоп этилган.

1970 йил декабридан 1990 йил декабригача АҚШда Рокфеллер Фонди томонидан нашр этиладиган “Mathematical Reviews” журналининг хорижий маслаҳатчиси бўлган ва тақризларини нашр этган.

1990 йили “Фан ва турмуш” журналининг № 8,9,10 сонларида эълон қилинган “Амир Темур ҳақида ҳақиқат” мақоласи шу йўналишдаги бошқа муаллифлар ишлари билан биргаликда соҳибқирон номи юртимизда қайта тикланишига хизмат қилди.

Ашраф Аҳмедов 1994 йили Улуғбек “Зиж”и қўлёзмасининг 11 нусхаси асосида биринчи марта изоҳли тўла русча таржимасини нашр этди (Улугбек Мухаммад Тарагай. Новые Гурагановы астрономические таблицы. – Ташкент: Фан, 1994, 60 п.л.).

У ҳозирги кунда кўзга кўринган асосий Берунийшунос олимдир. Берунийнинг бизгача етиб келган “Қонуни Масъудий”, “Осор ал-боқия”, “Тафҳим”, “Геодезия” ва бошқа асарларини рус, ўзбек тилларига тўла таржима қилиб, изоҳлар билан чоп қилдирди. Айни дамда Берунийнинг 7 жилдлик “Танланган асарлари”ни қайта нашрга тайёрлади, 8 жилд чоп этилди. У Муҳаммад ал-Хоразмий ва Фарғоний асарларини ҳам нашрга тайёрлаб ўқувчилар оммасига етказди.

2000 йили Парижда ЮНЕСКО гранти билан нашр этилган «Марказий Осиё цивилизациялари» асарининг 4-жилдидаги бир бўлим матнини ёзган (Astronomy, Astrology, Observatories and calendars//History of üvilizations of Central Asia. Vol. IV, UNESCO Publishing. Paris, 2000, p.195-204).

1997–2000 йиллари махсус муҳаррирлар қаторида Покистондаги “Central Asian studies” илмий журналининг чоп қилинишига ҳиссасини қўшди. Самарқандда МОТХИ томонидан нашр этилган “Handicraft of Uzbekistan” (1999), “Handicraft of Kazakhstan” (2001), Х.Г. Охунбобоевнинг “Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе” (1999), Ориф Усмановнинг “Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии” (1999) китобларига муҳаррирлик қилди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” доирасида Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университети ва Самарқанд Давлат чет тиллар институтида талабалар ва магистрларга фан тарихидан дарс берди.

1971 йили Москва, 1975 йили Карачи, 1990 йили Қувайт, 1994 йили Истанбул, Эдинбург, Манчестер, 1995 йили Сеул, 1996 йили Душанбе, Париж, 1997 йили Париж, Алмати, Исламабад, 1998 йили Душанбе, Истанбул, Дамашқ, Каир, Самарканд, 1999 йили Париж, 2000 йили Ашхабад, Теҳрон, 2001 йили Лаҳор, 2006 йили Хива, Париж, 2007 йили Тошкент, 2008 йили Париж, 2009 йили Анқара, Париж, 2011 йили Вашингтон, 2017 йили Самарқанд, 2018 йили Кобул, 2019 йили Катарда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда рус, инглиз, араб ва турк тилларида маърузалар қилди.

Домла раҳбарлигида 6 номзодлик диссертацияси ёқланди ва 4 фан докторлиги диссертацияси тайёрланмоқда.

Ашраф Аҳмедов гоҳо илмий йиғинларда бирор мавзу юзсидан бажарилган ишга нисбатан билдирган ўткир танқидий фикрлари ҳам тадқиқотчининг фан соҳасида тобланиб, етук даражага кўтарилишига хизмат қилганининг гувоҳи бўлдик. Унинг шогирдлари (Б. Абдуллаев,

У. Куранбаева ва бошқалар) билан биргаликда бажараётган ишлари миллатимизнинг бой маънавий мероси бугунги ворисларига етказилишига қаратилгандир.

Меҳнат ва рағбат

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби улуғ алломалар илмий-маърифий мероси салмоғи, аҳамияти ҳақида дунё илм аҳли ҳозир ҳам ҳайратларга тўлиб сўзлайди. Бугун Ашраф Аҳмедов узоқ давом этган меҳнатлари эвазига шу улуғлар қаторига қўшилди. Улар тўғрисида гап кетганда албатта, Ашраф Аҳмедов номи ҳам эҳтиром ила тилга олинишига шубҳа йўқ. Домла амалга оширган улкан тадқиқот ишлари асло эътибордан четда қолмади. У Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 1989 йили Беруний номидаги Давлат мукофоти, 2000 йили “Меҳнат шуҳрати” ордени, 2009 йили Биринчи даражали Давлат мукофоти билан тақдирланди.

* * *

Юксак инсоний фазилатлари ва истеъдоди билан республика ва хорижлик олимлар ҳурматини қозонган муҳтарам устоз Ашраф Аҳмедовни табаррук 80 ёши билан қутлаймиз ва бундан кейин ҳам улкан зафарларни қўлга киритишини тилаймиз!

Улуғ ёшига қарамай, домлада бугун ҳам навқирон йигитнинг шижоати, ғайрати жўш уриб турибди. Домланинг суҳбатига қўшилган биз қидирган “залвар”ни кўради ва ҳис қилади. Залварли илм – маънавиятнинг буюк рағбати, уни ҳаракатга келтирувчи кучдир.